UZBEKISTAN TURKISH BANK

**O'ZBEKISTON-TURKIYA BANKI**
yurtimiz aholisi va aziz mehmonlarni,
bank aksiyadorlari hamda mijozlarni
yasharish va yangilanish faslining qutlug'
ayyomi - Navro'zi olam bilan muborakbod etadi.

Azizlar, ko'nglingizning tub-tubida
kurtak yozayotgan orzu-niyatlaringiz bahor
gullaridek ochilaversin.
Hayotingiz doimo ushbu fasldek ko'tarinki
ruhda davom etaversin.

**NAVRO'ZINGIZ QUTLUG' BO'LSIN!**

«O'-T» bank jamoasi

# «ЎКТАМБАНК»

## хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки

*бутун юртимиз аҳлини, қолаверса банк акциядорлари*
*ва мижозларини поклик ва нафосат айёми*
*Наврўзи олам билан қутлаб қолади.*

*Наврўз барчангизга куч-ғайрат бахшида этиб,*
*хонадонларингизга қут-барака олиб келсин!*



*«Ўктамбанк» доимо*
*узоғингизни яқин,*
*оғирингизни енгил қилиш*
*учун ўзининг замонавий банк*
*хизматларини таклиф этиб қолади.*

*«Ўктамбанк» жамоаси.*

TRAST BANK

# "Трастбанк" биржа банки

Ўзбекистон аҳолисини, мижозлар ҳамда
акциядорларини янгиланиш ва яшариш айёми
Наврўзи олам билан қутлайди.

## «ИШОНЧ» КРЕДИТ УЮШМАСИ

**Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2002 йил 16 ноябрдаги 05-сонли лицензияси.**

**Манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Қурувчилар кўч., 7/1.**

### БАЛАНС ҲИСОБОТИ

*минг сўм*

| № | АКТИВЛАР. | 1.01.2005 | 1.01.2006 |
|---|---|---|---|
| 1 | Нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари | 9 867,00 | 23 814,00 |
| 2 | Банклардаги пул маблағлари | 2 517,00 | 1 162,00 |
| 3 | Берилган ссудалар | 197 600,00 | 364 646,00 |
| 4 | Ссудалар бўйича эҳтимолий зарарлар | -1 525,00 | -6 534,00 |
| 5 | Соф ссуда қарзи (3-сатр - 4-сатр) | 196 075,00 | 358 112,00 |
| 6 | Қимматли қоғозларга инвестициялар | 0,00 | 0,00 |
| 7 | Асосий воситалар, соф ҳолида | 10445,00 | 15 017,00 |
| 8 | Олишга ҳисобланган фоизлар | 6990,00 | 15 229,00 |
| 9 | Ссуда ҳисоб-китоблари чоғида сотиб олинган активлар | 0,00 | 0,00 |
| 10 | Бошқа активлар | 847,00 | 1 354,00 |
| 11 | Жами активлар (1. 2. 5. 6. 7. 8. 9.10-сатрлар суммаси) | 226740,00 | 414 688,00 |
| | ПАССИВЛАР | | |
| 12 | Жамғарма депозитлар | 1 611,00 | 11 700,00 |
| 13 | Муддатли депозитлар | 166 633,00 | 292 738,00 |
| 14 | Тўланиши керак бўлган ссудалар | 0,00 | 0,00 |
| 15 | Тўлашга ҳисобланган фоизлар | 5 732,00 | 14 883,00 |
| 16 | Бошқа мажбуриятлар | 1 497,00 | 983,00 |
| 17 | Жами мажбуриятлар (12-16- | 175 473,00 | 320 304,00 |
| | САРМОЯ | | |
| 18 | Устав жамғармаси | 15 736,00 | 33 739,00 |
| 19 | Захира жамғарма | 6 705,00 | 17 582,00 |
| 20 | Бепул олинган мол-мулк - | 7 029,00 | 7 422,00 |
| 21 | Хайрия бадаллари ва грантлар | 6 090,00 | 7 757,00 |
| 22 | Тақсимланмаган фойда | 1 293,00 | 6 601,00 |
| 23 | Асосий воситаларни қайта баҳолаш | 0,00 | 0,00 |
| 24 | Жорий йилдаги соф фойда (зарар) | 14 415,00 | 21 303,00 |
| 25 | Жами сармоя (18-24-сатрлар | 51 267,00 | 94 384,00 |
| 26 | Жами пассивлар (17-сатр + 25- | 226 740,00 | 414 688,00 |

### ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

*минг сўм*

| № | МОДДАЛАР НОМИ | 1.01.2005 йил | 1.01.2006 йил |
|---|---|---|---|
| | Фоиз даромадлари: | | |
| 1 | Банклардаги ҳисобварақлар бўйича | 0.00 | 0.00 |
| 2 | Инвестициялар бўйича | 0.00 | 0.00 |
| 3 | Олиниши керак бўлган ссудалар бўйича | 89,559.00 | 206 501,00 |
| 4 | Бошқа манбалар бўйича | 17.00 | 129,00 |
| 5 | Жами фоиз даромадлари (1-4-сатрлар | 89,577.00 | 206 630,00 |
| | Фоиз харажатлари: | | |
| 6 | Депозитлар бўйича | 41,091.00 | 108 865,00 |
| 7 | Тўланиши керак бўлган ссудалар бўйича | 0.00 | 0.00 |
| 8 | Бошқа мажбуриятлар бўйича | 0.00 | 0.00 |
| 9 | Жами фоиз харажатлари (6-8-сатрлар | 41,091.00 | 108 865,00 |
| 10 | Соф фоиз даромади (5-сатр - 9-сатр) | 48,486.00 | 97 765,00 |
| 11 | Воситачилик даромадлари | 1,956.00 | 0.00 |
| 12 | Воситачилик харажатлари | 704.00 | 392.00 |
| 13 | Соф воситачилик даромади (11-сатр - 12-сатр) | 1,252.00 | -392,00 |
| | Бошқа операция даромадлари: | 0.00 | 200.00 |
| 14 | Бошқа жорий даромадлар | 0.00 | 3 563,00 |
| 15 | Жорий даромадлар (10-сатр + 13-сатр + 14- | 49,738.00 | 3 763,00 |
| | Бошқа операция харажатлари: | | |
| 16 | Ходимларга тўланган иш ҳақи ва бошқа | 16,075.00 | 25 923,00 |
| 17 | Ижара ва сақлаб туриш | 3,556.00 | 7 121,00 |
| 18 | Хизмат сафари ва транспорт харажатлари | 132.00 | 840,00 |
| 19 | Маъмурий харажатлар | 3,418.00 | 8 670,00 |
| 20 | Бошқа жорий харажатлар | 4,558.00 | 9 560,00 |
| 21 | Эскириш харажатлари | | 2 790,00 |
| 22 | Жами бошқа операция харажатлари (16-20-сатрлар суммаси) | 27,739.00 | 54 904,00 |
| 23 | Захиралар ташкил этилишидан олдинги соф жорий даромадлар (15-сатр - 21-сатр) | 21,999.00 | 45 832,00 |
| 24 | Ссудалар бўйича эҳтимолий зарарларни | -1,583.00 | -12 574,00 |
| 25 | Бошқа эҳтимолий зарарларни баҳолаш | 0.00 | 0,00 |
| 26 | Солиқлар тўланишидан ва бошқа тузатишлардан олдинги, кутилмаган даромадларни (харажатларни) ҳисобга олмаган ҳолда соф жорий даромадлар (22-23-24-сатрлар) | 20,416.00 | 33 258,00 |
| 27 | Кутилмаган харажатлар чиқариб ташланганидан кейинги кутилмаган даромадлар | 0,00 | 0.00 |
| 28 | Фойда солиғи | 6,001.00 | 11 955,00 |
| 29 | Ҳисобот давридаги фойда ёки зарар (25 + 26 - 27-сатрлар | 14,415.00 | 21 303,00 |

*2006 йил 1 январ ҳолатига молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «БУХГАЛТЕР» аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган (2.03.2001 йилдаги 00013 рақамли лицензия ва 3.01.2001 йилдаги 00552-сонли малака сертификати) ва барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатларига ва Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қабул қилинган принципларига мувофиқ тайёрланди.*

# КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ — ДЕПОЗИТГА ОМОНАТ ҚЎЙИШНИНГ МУҚОБИЛ ВОСИТАСИ

***Молиявий воситаларнинг даромадлилиги улар юзасидан тўланадиган фоиз ставкалари билан белгиланади. Фоиз ставкаси мижозларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб этиб, улардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдир. Кредит-жамғарма муассасалари бозоридаги турли субъектлар: тижорат ва жамғарма банклари, кредит уюшмалари, кооперативлари ва шу кабилар ўртасида рақобат мавжуд. Бу рақобат муддатлари ва фоиз ставкалари бир-биридан фарқланадиган турли маҳсулот ва хизматларни таклиф қилишда ифодаланади. Эълон қилинган фоиз ставкаси – бўлажак омонатчилар у ёки бу молия муассасасида олишлари мумкин бўлган даромадни билдиради.***

Ўзбекистоннинг аҳоли омонатлари бозорида тижорат банклари узоқ вакт мобайнида мутлақ устунлик қилиб келди ва ҳозиргача ҳам унда етакчилик қилиб келмоқда. Бироқ жўшқин ривожланиб келаётган кредит уюшмалари сегменти республика аҳолиси фақат банк омонатларидан эмас, балки бошқа муқобил омонатлардан ҳам фойдаланмоқда, дейиш имконини беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 27 та кредит уюшмаси ва 28 та банк мавжуд. Бизда банклар анча оддий ҳодисага айланиб қолган, улар анъанавий муассаса деб қабул қилинади. Мустақиллик йилларида аҳолининг каттагина қисми ушбу молия институтлари билан ҳамкорлик қилишда тажриба орттирди. Ўзбекистондаги кредит уюшмалари эса нисбатан ёш молиявий тузилмалар бўлса-да, каттагина салоҳиятга эга.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари тижорат мақсадида иш юритади, ҳолбуки кредит уюшмаларининг фаолияти тижоратга асосланмайди. Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятида мижозлар сони олдиндан маълум бўлмайди.

Кредит уюшмалари фақат ўз пайчиларидан жамғармалар қабул қилади. Банкка истаган одам кредит беришни сўраб мурожаат қилиши мумкин, кредит уюшмаси эса фақат ўз пайчиларига қарз беради. Шундай қилиб, кредит уюшмасининг фаолияти ташқаридан қараганда банк операцияларига ўхшаш бўлса-да, кредит уюшмаси оммавийлик хусусияти ва бозорга хос муносабатлар йўқлиги билан банкдан ажралиб туради. Банклар ва кредит ташкилотлари талаб ва таклиф аниқ бўлмаган вазиятда иш олиб боради, кредит уюшмалари эса ўз пайчиларининг қарзга бўлган эҳтиёжлари ва уларга қарз бериш имкониятлари ҳақида истаган пайтда аниқ маълумотга эга бўлади. Кредит уюшмаларида қарзлар ва жамғармалар бўйича фоизлар ҳам банклардагидан бошқачароқ ҳисобланади, қарз бўйича олинадиган фоиз билан жамғармалар бўйича тўланадиган фоиз ўртасидаги фарқ, қоида тариқасида, банкларникидан камроқ. Бунга сабаб шуки, уюшма аъзолари бир-бирларини банк ўз мижозларини таниганига қараганда яхшироқ биладилар ва шу сабабли қарзнинг қайтарилмаслиги хатарини ёки бозор конъюнктураси ўзгариши хатарини катта фоизлар билан "суғурталаш" зарурати бўлмайди. Банк сиёсатини акциядорлар ва менежерлар белгилайди, кредит уюшмасининг сиёсатини эса пайчиларнинг ўзлари белгилайди. Ҳар қайси пайчининг ўзи ҳам кооператив аъзоси, ҳам мулкдор ва бошқарувчи, ҳам қарздор ва кредитор бўлади.

Номолиявий кооперативлар ва микромолиялаш институтларидан фарқли ўлароқ, кредит уюшмалари ўз аъзоларининг бўш турган пул маблағларини депозитлар сифатида тўплаши керак. Аъзоларнинг кўп бўлиши кредит уюшмалари барқарор фаолият кўрсатишининг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Фойдали шартлар билан кредит берадиган ҳамда хилма-хил жамғариш воситаларига эга бўлган кредит уюшмалари омонатчиларни жалб этиш ва кредитлаш учун зарур миқдорда сармоя олиш имконига эга бўлади. Ҳозир мавжуд бўлиб турган кредит уюшмалари ишини таҳлил қилиш кредит уюшмаларида аъзолар сони тўхтовсиз кўпайиб бораётганлигини ва ушбу молия институтларига аҳолининг ишончи ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, кредит уюшмалари чет эл валютасида омонатлар қабул қилмайди. Шу сабабли қиёсий таҳлил миллий валютадаги омонатлар бўйича олиб борилади.

Шундай қилиб, аҳолида ё тижорат банкига ёки кредит уюшмасига омонат қўйишни танлаб олиш имкони бор. Бу соҳада 2006 йил 1 январдаги ҳолатни кўриб чиқамиз. Омонатлар бўйича энг кўп фоизларни ким таклиф қилади? Равшанки, буни кредит уюшмалари таклиф қилади. Гарчи уларда фоиз ставкаларининг фарқи катта бўлса-да, баъзи кредит уюшмалари 12, 18 ойлик депозит омонатлари бўйича йилига 48 фоизгача таклиф қилган (Қўқон шаҳридаги "Олтин водий" КУ, Тошкент шаҳридаги "Финанс плюс" КУ). Тижорат банкларида 2, 12 ойлик аҳоли омонатлари бўйича энг кўп фоиз ставкаси йилига 36 фоизни ташкил қилади. Тижорат банклари орасида аҳоли депозитлари бўйича энг юқори фоиз ставкаларини ЎзР ТИФ МБ, "Тадбиркорбанк", "Савдогарбанк", "Алоқабанк", "Туркистон" банки таклиф қилмоқда.

Кредит уюшмаларида омонатларнинг энг кўп муддати 18 ойни, энг кам муддати 1 ойни ташкил этади. Тижорат банкларида омонатлар бўйича муддатлар катта фарққа эга бўлиб, 1 ойдан 2 ва ундан кўп йилгача бўлиши мумкин. 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун узоқ муддатли жамғарма омонатларини фақат тижорат банклари қабул қилади.

Кредит уюшмаларида омонатнинг энг кам миқдори, умуман олганда, тижорат банклардагидан кам бўлиб, ўрта ҳисобда 25-50 минг сўмни ташкил қилади ва 1000 сўмдан 500 000 сўмгача оралиғида бўлади. Тижорат банкларида омонатнинг энг кам миқдори умуман олганда юқори бўлиб, ўрта ҳисобда 50-100 минг сўмни ташкил қилади ва 1000 сўмдан 1 000 000 сўмгача ораликда ўзгариб туради. Баъзи кредит уюшмаларида тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, муайян турдаги омонатларнинг энг кам миқдори кўрсатилмаслиги ҳам мумкин (Бухоро шаҳридаги "Умид", Наманган шаҳридаги "MCU", Қўқон шаҳридаги "Олтин водий" кредит уюшмалари).

Тижорат банкларида ҳам, кредит уюшмаларида ҳам омонатлар бўйича ҳақ тўлашнинг энг кўп тарқалган тури ҳар ойда фоиз тўлашдан иборатдир. Бироқ, омонатлар бўйича ҳақ ёзишнинг бошқа шакллари ҳам бор: фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади, фоизлар коммунал хизматлар ҳақини тўлашга ўтказилади, фоизлар омонат қўйилган куни бўнак сифатида тўланади, фоизлар муддат тугагач, капиталлаштиришни ҳисобга олган ёки олмаган ҳолда тўланади ва ҳоказо.

Кредит-жамғарма муассасаларининг минтақалар бўйича тақсимланиши масаласига келганда шуни айтиш керакки, тижорат банкларининг бош офислари асосан Тошкент шаҳрида жойлашган, лекин банклар қудратли молия институтлари сифатида барча минтақаларда кенг ёйилган филиаллар тармоғига эга. Бу ҳол бўлажак омонатчиларга банкни ва омонат турини танлаб олиш имконини беради.

Барча кредит уюшмаларининг кўпчилик қисми республика вилоятларида (22 тадан 12 таси), 6 таси Тошкент шаҳрида жойлашган. 2005 йил мобайнида кредит уюшмаларининг республика минтақалари бўйлаб янада кенг тарқалиши юз берди. Бу ҳол кредит уюшмаларининг тузилиши кўпроқ маҳаллийлашишни ва ҳаракатчанликни талаб қилиши билан боғлиқ.

Шуни айтиш керакки, кредит уюшмаларининг молия бозоридаги сегменти банкларнинг сегментига қараганда анча кичикдир. Бу ҳол кредит уюшмалари фаолиятининг ўзига хослиги ҳамда операциялар ва хизматлар доирасининг чекланганлиги билан боғлиқ. Кредит уюшмаларининг устунлиги шундаки, улар омонатлар бўйича тўлайдиган фоиз ставкалари банкларнинг фоиз ставкаларидан анча юқори, бироқ фақат кредит уюшмасининг пайчиларигина унинг омонатчиси бўлиши ва фоиз ставкаларини олиши мумкин. Бўлажак омонатчида эса банк ёки кредит уюшмасини танлаб олиш имкони бор.

***Инновациялар бўлими томонидан тайёрланди.***

## Акциядорлик-тижорат "Алоқабанк"

*Ўзбекистон халқини баҳор байрами – Наврўзи айём билан чин дилдан самимий муборакбод этади.*

Сизларга ҳаётий шижоат, оилавий ҳамжиҳатлик тилаб, ўзининг сермаҳсул банк хизматларини таклиф этиб қолади.

«Алоқабанк» пластик карточкаларидан фойдалансангиз ҳам қимматли вақтингиз тежалади, ҳам пул маблағларингизнинг ишончли сақланиши кафолатланади.

Юқори фоизли «ШИФОКОР», «БАҲОР АЙЁМИ» кабi жозибадор омонатлари эса, Сизнинг сармоянгизга сармоя қўшиб, дастурхонингизга қут-барака олиб келади.

*Қўшимча маълумотларни 152-78-74, 152-78-82, 152-78-86 телефонлари ҳамда банкнинг ҳудудий бўлимлари орқали олишингиз мумкин.*

**Наврўзингиз қутлуғ келсин!**

«Алоқабанк» жамоаси



